

Бир неча турли жиноятлар

05:00 / 16.01.2017 3505

Эҳромдан чиқдим деб ўйлаб, кўп жиноят қилганга фақат бир қурбонлик вожиб

Агар бирор ҳожи “Мен эҳромдан чиқдим” деб гумон қилса-ю, аслида, (шаръий усулга мувофиқ) эҳромдан чиқмаган бўлса ва шу ҳолатда эҳромсиз кишига ўхшаб эҳром ҳолатида манъ қилинган кўплаб ишларни амалга оширса, унга қилган барча жиноятлари эвазига фақат бир қурбонлик вожиб бўлади. Жиноятларнинг кўпайиб кетиши қурбонликнинг кўп бўлишини лозим қилмайди. Масалан, бир киши эҳромдан чиқиш учун сочининг озроқ (тўртдан биридан камроқ) қисмини олдириди, ундан кейин тикилган кийим кийди ва хушбўйлик ҳам сурди-да, хотини билан қайта-қайта қўшилди. Бундай ҳолатда унга фақат бир қурбонлик вожиб бўлади.

Яна бир мисол. Таматтуъ ҳажини қилувчи киши ҳаж кунларидан олдин умра қилиб, сочини қирдириди. Кейин ҳаж эҳромини боғлагач, ҳаж қилиб, ҳайит куни қурбонликдан сўнг сочи бўлмаса ҳам, бошидан устара юргизиши лозим эди. Лекин у сочи йўқлиги боис бошига устара теккизишга ҳожат йўқ, деб ўйлади ва бошқа амалларни бажарди. Сўнг ўзини эҳромдан чиққан деб ўйлаб, хотини билан қўшилди, хушбўйлик сепди ҳамда тикилган кийим кийди. Ҳайит кунлари ҳам шу тарзда ўтиб, Ҳарам ҳудудидан ташқарига ҳам чиқиб кетди. Мазкур суратда унинг қилган барча жиноятлари эвазига фақат бир қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Лекин унга эҳромга қайтиш вожибдир, яъни эҳром ҳолатига қайтиб, эҳромдан чиқиш нияти билан бошқатдан соч қирдиради.

("Ғунятун носик").

Қачон қурбонлик эвазига унинг қийматини бериш дуруст бўлади?

Жиноятлар икки хил бўлади:

1) баъзи жиноятлар борки, уларнинг жаримасига фақат қурбонлик вожиб бўлади. Ундан бошқа бирор нарса, ҳатто қурбонликка сўйиладиган жониворнинг қийматини садақа қилиш ҳам дуруст бўлмайди, бунинг устига, ўша қурбонликни фақатгина Ҳарам ҳудудида сўйиш лозим бўлади.

2) яна баъзи жиноятлар борки, киши унинг жаримасига ҳарамда қурбонлик қилиши (ёки қийматини садақа қилиши) ёки унинг ўрнига рўза тутиши ҳам, муҳтожга таом бериши ҳам мумкин бўлади. Мазкур рўзадан мурод уч кун рўза тутишдир (бу рўза қаерда тутилса ҳам бўлаверади). Қурбонлик ўрнига таом бериш эса олтита мискинни овқатлантиришдир. Қуйидаги оятда мана шундай жарима ҳақида сўз кетади:

كس ن وا ةقدص وا مايص ن م ةددف ه سار ن م ىذا ه ب وا اضيرم م كن م ناك ن م ف
(186ةرقب ل)

Маъноси: "Бас, сизлардан ким бемор бўлса ёки бошида азият берувчи нарса бўлса, (сочини олдириш) рўза ёки садақа ёки қурбонлик билан товон тўласин" (Бақара, 196)

Ушбу оятдаги "садақа"дан мурод – олти мискинни икки маҳал таомлантириш ёки олтита мискинга ярим соъдан буғдой ёки унинг қийматини бериш демакдир. Бундай жиноятлар жумласига узр сабабли кийим кийиш, соч олдириш, хушбўй суртиш ва бошқалар киради. Масалан, жуда қаттиқ совуқ туфайли дўппи кийиб олиш, озор берадиган даражада бит босиб кетгани ёки жарроҳлик амалиёти сабабли соч олдириш ва ҳакозо.

("Ҳидоя", "Раддул муҳтор", "Ғунятун носик")

Садақа Ҳарам ҳудудидан ташқарида берилса ҳам, жоиз

Агар ҳожиларнинг жинояти туфайли уларга қурбонлик (қўй ёки эчки ёки бадана) вожиб бўлса, уни фақатгина Ҳарам ҳудудида сўйиш лозим.

Агар қурбонлик эмас, балки садақа вожиб бўлса, хожи уни Ҳарам ҳудудидан ташқарида – ҳилда ёки офоқда берса ҳам, жоиздир. Шунинг учун зиммасига садақа лозим бўлган офоқий (мийқот ташқарисидан келувчи) хожи ватанига қайтиб келгач, садақани у ердаги фақирларга берса, бўлаверади. Албатта, уни Ҳарам фақирларига бериш афзал ва яхшироқдир.

("Ғунятун носик")

Олтита мискинга таом бериш ёки унинг қийматини садақа қилиш шартлари

Олтита мискинга таом бериш ёки унинг қийматини садақа қилиш мумкин бўлган ҳолатларда энг муҳим шарт шуки, эрталабки таомни қайси мискинларга берган бўлса, кечкисини ҳам ўшаларга бериш лозимдир. Яна, мискинларга бериладиган таом қийматини бир мискинга бериш кифоя қилмайди, балки алоҳида-алоҳида қилиб, олтита мискинга бериш лозим бўлади. Албатта, олти кунгача бир мискинга икки маҳал таом бериб турса ёки унга олти кунгача (ҳар куни) икки маҳал таом қийматини (ярим соъ буғдой ёки бир соъ хурмо қийматини) садақа қилса, унинг садақаси адо топаверади.

("Ғунятун носик").

Қурбонлик Ҳарам ҳудудида сўйилади

Жарима (каффорат) қурбонлиги ҳам, шукр қурбонлиги ҳам Ҳарам ҳудудида сўйилиши лозимдир. Агар Ҳарам ҳудудидан ташқарида сўйилса, бундай ҳолда улар (жониворлар) фақат гўштини ейиш учун сўйилган ҳисобланиб, бундай қилиш билан вожиб бўлган қурбонлик адо топмайди. Бироқ,

жониворни Ҳарам ҳудудида сўйиб, кейин Ҳарамдан ташқарига олиб чиқилса ёки Ҳарамдан ташқарига олиб бориб садақа қилинса, бунда бирор зарар йўқ ("Ҳидоя", "Мухтасари Қудурий", "Ғунятун носик").

Таматтуъ ёки қирон ҳамда нафл қурбонликлари наҳр кунларида сўйилади

Ҳожи таматтуъ ёки қирон ҳажининг шукр қурбонлигини, шунингдек, нафл қурбонликни ҳам наҳр, яъни ҳайит кунларида сўйиши вожибдир. Албатта, ҳайит кунлари ўтиб кетиши билан қурбонлик вақти тугайди.

("Мухтасари Қудурий")

Жарима қурбонликларини ҳайит кунларидан кейин сўйиш ҳам жоиз

Жарима қурбонликлари Ҳарам ҳудудида сўйилиши лозим, бироқ уларни ҳайит кунларида сўйиш шарт эмас. Балки, ҳайит кунлари ўтгандан кейин ҳам сўйиш бекароҳат жоиз ва дурустдир.

("Мухтасари Қудурий").

Ҳаж ёки умрадаги вожиб қурбонликларни Ҳарамдан ташқарида сўйиш

Агар бирор шахс ҳаж ёки умрадаги вожиб қурбонликларни, яъни таматтуъ ёки қирон қилувчи шукр ёки жарима (каффорат) қурбонлигини ёхуд умра қилувчи умра қилиш асносида бирор камчиликка йўл қўйса-ю, натижада унга ҳам қурбонлик қилиш вожиб бўлса ва у мазкур қурбонлик жонлиқларини Ҳарам ҳудудидан ташқарида сўйса (хоҳ ҳилда сўйсин, хоҳ мийқот ташқарисида), у ҳолда вожиб қурбонлик унинг зиммасидан соқит бўлмайди. Балки, унга Ҳарам ҳудудида иккинчи бор қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Таматтуъ ёки қироннинг шукр қурбонлигини наҳр кунлари ўтгадан кейин сўйиш

Мазҳаббошимиз имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида таматтуъ ёки қирон қилувчининг зиммасидаги шукр қурбонлиги наҳр, яъни қурбонлик кунларида сўйилиши вожибдир. Агар у қурбонлик кунлари ўтиб кетганидан сўнг (лекин, Ҳарам ҳудудида) сўйилса, бу суратда вожиб тарк этилгани боис яна бир жарима (каффорат) қурбонлиги вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Офоқий мутаматтиънинг эҳром боғлаш учун Ҳарам ҳудудидан ташқарига бориши

Ҳозирги замонда кўпчилик офоқийлар, яъни мийқот ташқарисидан келувчилар таматтуъ ҳажи қиладилар. Бунинг учун улар Маккаи мукаррамага келаётиб, мийқотда умра қилиш нияти билан эҳром боғлайдилар. Таматтуъ умрасидан фориғ бўлгач, эҳромдан чиқиб (ҳаж эҳромига киргунга қадар), Маккаи мукаррамада яшаб турадилар. Агар улар шу яшаб туриш асносида яна умра қилишни хоҳласалар, Ҳарам ҳудудидан ташқарига – Танъим ёки Жиърона масжидига бориб эҳром боғлаб келишлари вожиб.

Дейлик, бир шахс зулҳижжанинг 8-куни (ҳажга эҳром боғланадиган кун) Минога кетишдан олдин (ҳаж эҳромини ҳам Ҳарамдан ташқарида боғлашни лозим ёки афзал, деб ўйлагани учун) Танъим масжидига бориб, ҳаж эҳромини боғлади. Сўнг Мино, Арафот, Муздалифа ва бошқа жойлардаги ибодатларни адо қилди. Ушбу суратда бу шахс ҳақида шарийъат ҳукми нима?

Бунинг жавоби шуки, офоқий умра арконларини адо қилганидан сўнг Маккаи мукаррамада турган вақтида унинг ҳукми маккаликларга ўхшаб қолади. Маккаликлар учун эса ҳаж эҳромини Ҳарам ҳудуди ичидагина боғлаш вожибдир. Чунки уларнинг ҳажга эҳром боғлашлари учун мийқот фақатгина Ҳарам ҳудудининг ичидир. Шунга биноан, саволда зикр қилинган офоқий зиммасига (у ўз мийқотидан бошқа мийқотда эҳром боғлагани сабабли) бир қурбонлик сўйиш вожиб бўлади. Агар Ҳарам ҳудудига келгандан сўнг ҳаж эҳромини қайта боғласа, қурбонлик соқит бўлади.

("Ғунятун носик").

Ҳаж ёки умра эҳромини Ҳарамдан ташқарига - ҳилга бориб ечишнинг каффорати

Имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, ҳаж ёки умра эҳромидан Ҳарам ҳудудида эмас, балки ундан ташқарида (ҳил ёки мийқотга бориб) чиққан кишига бир жарима қурбонлиги вожиб бўлади. Чунки, ҳаж ёки умра қилувчи эҳромдан Ҳарам ҳудудида (сочини олдириб) чиқиши вожибдир. Бу ўринда эса вожиб тарк этилди. Вожибни тарк этган кишига эса қурбонлик вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Бу масалада, яъни Ҳарам ҳудудидан ташқарига бориб эҳромдан чиқиш туфайли қурбонлик вожиб бўлиши хусусида имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ва имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ иттифоқ қилганлар ва шу рожиҳ (қувватли) қавлдир. Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг наздларида эса бу суратда ҳеч қандай каффорат йўқдир. Лекин, бир қурбонлик вожиб бўлиши мазкур хато, яъни Ҳарам ҳудудидан ташқарига бориб эҳромдан чиқиш қурбонлик кунлари ичида содир бўлган тақдирдадир. Демак, агар ҳожи қурбонлик кунлари ўтиб кетгунча эҳромдан чиқмаса ва наҳр кунлари ўтгандан кейин Ҳарам ҳудудидан ташқарига бориб сочини олдириб, эҳромдан чиқса, бу суратда имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида, иккита қурбонлик вожибдир: Биттаси наҳр кунлари тугагандан сўнг эҳромдан чиққани сабабли, иккинчиси Ҳарам ҳудудидан ташқарига бориб

сочини олдиргани сабаблидир. Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ наздларида эса бу ҳолда фақат бир қурбонлик вожибдир. Чунки у кишининг Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ наздларида эса бу ҳолатда бирорта ҳам қурбонлик вожиб эмас.

Бунга ўхшаш хатолар масаладан беҳабар авом кишилардан кўп содир бўлиб туради. Шунинг учун бу ўринда Ҳазрати Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ қавлларига кўра фатво бериш муносиброқ йўлдир. Кўпинча, ҳаж масалаларида имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ қавлларича фатво берилса-да, бу ўринда у зотнинг гапларида зиёда қаттиқлик, имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ қавлларида буткул енгиллик бор. Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ қавллари эса ўртачадир. Ишларнинг яхшиси – ўртачасидир, деган усулга кўра, мазкур масалани имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ қавлларича ҳал этиш жуда мақбул йўлдир.

Умра саъйисини қилмай эҳромдан чиқса?

Таматтуъ қилувчи ҳаж эҳромига киришидан олдин умра саъйини қилмай эҳромдан чиқса, нима бўлади?

Таматтуъ қилувчи мукамал умра тавофини ёки унинг аксар қисмини адо қилгандан сўнг, ҳажга эҳром боғлашдан олдин умра эҳромидан чиқишни хоҳласа, аввал саъй қилиб олиши вожибдир. Шунинг учун, агар у (умра тавофидан кейин) саъй қилишдан олдин эҳромдан чиқса, вожибни тарк этгани сабабли бир қурбонлик вожиб бўлади. Лекин умраси ботил бўлмайди. Балки, кейин умра саъйини қилиб олиш вожиб бўлади, холос.

("Ғунятун носик").

Таматтуъ умрасининг шартлари

Умра учун эҳромга кириш шарт. Тавоф умранинг рукни (фарзи) ва унинг саъйдан олдин бўлишлиги саъйнинг дуруст бўлиши учун шарт. Чунки, ҳар саъйдан олдин бир тавофнинг бўлиши шартдир. Саъй қилиш эса вожибдир.

Саъйнинг соч олдиришдан олдин бўлишлиги вожиб. Яна, умра саъйи учун эҳромнинг бардавом туришлиги ҳам вожибдир. Шунинг учун, агар киши саъйдан олдин соч олдириб, эҳромдан чиқса ва натижада умра саъйини эҳромсиз ҳолда адо этса, вожибни тарк этгани учун бир қурбонлик қилиши вожиб бўлади. Лекин, унинг эҳромсиз ҳолда қилган мазкур сайъи дуруст бўлаверади.

("Зубдатул маносик").

Умра саъйи учун эҳромли бўлиш вожиб

Бу ўринда шу нарса равшан бўлади: юқорида шу ҳукм баён қилиндики, мутаматтиъ учун умра тавофидан кейин эҳром ҳолатида саъй қилмасдан ҳаж эҳромини боғламоқ жоиздир ва саъйни ҳаждан кейингача кечиктириш ҳам жоиздир. Унга қурбонлик, фидя ёки бошқа нарсалар вожиб бўлмайди. Умранинг саъйи ҳаждан кейин, эҳромдан чиқишдан олдин адо этилган бўлса, бу ҳукм жорийдир, негаки умранинг саъйи учун эҳромнинг бардавом туриши вожибдир.

Умра тавофининг озроқ қисмини тарк этиш

Қурбонлик умра тавофининг озроқ қисмини тарк этиш сабабли вожиб бўлади, тавофни кечиктирганда эмас

Умра тавофининг озроқ қисмини, яъни етти айланишдан уч ёки ундан камроғини бутунлай тарк этиш сабабли қурбонлик вожиб бўлади, лекин умра ботил (бекор) бўлмайди. Шунинг учун, агар бирор киши умра

тавофининг тўрт ёки ундан кўпроқ айланишини адо этгандан кейин ватанига қайтиб кетса, унинг умраси дуруст ҳисобланади, аммо бир қурбонлик (қўй ёки эчки) вожиб бўлади. Агар умра тавофининг озроқ қисмини тарк қилмасдан, фақат кечиктирса, кечиктиргани сабабли қурбонлик ҳам, бирор садақа ҳам лозим бўлмайди. Шунингдек, киши умрадаги соч қирдириш ва саъйни кечиктирганда ҳам унга ҳеч қандай каффорат лозим бўлмайди. Яна, умра тавофининг бир айланишини тарк этган кишининг зиммасига ҳам қурбонлик сўйиш вожиб бўлади, бироқ тарк этилган бу айланишни кечиктириб бўлса ҳам бажариб олса, қурбонлик соқит бўлади.

("Фатово Тоторхонийя", "Фунятун носик").

Қирон ҳажини қилаётган аёл ҳайз кўриб қолса

Умра тавофининг тўрт айланасидан сўнг қирон ҳажи қилувчи аёлнинг ҳайзи бошланиб қолса, нима бўлади?

Аёл киши қирон ҳажи учун эҳром боғлаб, умра тавофининг тўрт айланишини бажариб бўлган вақтида ҳайзи бошланиб қолса, бундай аёл учун қирон ҳажи ва қирон умрасининг ҳукми нима бўлади? (Чунки, мазкур узр қони Арафотга боргунча тўхтамаслиги мумкин)

Бунинг ҳукми шуки: У аёл аввал Арафотда, кейин Муздалифада туради, ундан сўнг Минода тош отади ва бошқа мумкин бўлган ишларни бажаради. Ҳайздан пок бўлгач, умра тавофининг қолган уч айланасини адо этиб, кейин тавофи зиёрат қилади. Ушбу суратда мазкур аёлнинг ҳажи қирон ҳажи деб ҳисобланади ва унинг зиммасига жарима қурбонлиги ҳам лозим бўлмайди. Албатта, қирон ҳажининг шуқр қурбонлиги лозим бўлади.

Агар тавофининг тўрт айланасини мукамал қилишдан олдин узр қони келиб қолса, унинг қирон умраси ботил бўлиб, у ифрод ҳажи қилувчига айланади ва унга ҳеч қандай қурбонлик вожиб бўлмайди.

("Раддул муҳтор", "Ғунятун носик")

Умра тавофини қилмай қирон ҳажи қилаётган аёл

Умра тавофини қилмай, тавофи қудум қилаётган қирон ҳажи қилувчи аёлга тавофнинг тўрт айланасидан кейин узр қони келиб қолса

Қирон ҳажи қилувчи учун суннат шуки, у Маккаи мукаррамага етиб боргандан сўнг, аввал умра арконларини адо этиб, шундан кейингина тавофи қудум қилиши керак.

Дейлик, қирон ҳажи қилувчи бир аёл бунинг аксини қилди, яъни Маккага етиб боргач, суннатга хилоф тарзда аввал тавофи қудумни бошлаб юборди ва унинг тўрт айланасини бажариб бўлган ҳам эдики, узр қони бошланиб қолди. Шу сабабли у аёл тавофни ўша ерда тўхтатди. Шу ҳолатда зулҳижжанинг 8-куни ҳам келди ва у Арафот, Муздалифа ва Минодаги амалларни бажарди, бас, энди у нима қилади?

Энди бу аёлнинг қирон ҳажи боқий туриши, яъни ҳаж ва умра – иккови ўз ҳолатида сақланиб қолиши учун ушбу йўл бор: унинг тавофи қудумдан қилган тўрт айланаси умра тавофидан деб ҳисобланади. Ҳайздан пок бўлгач, тавофи зиёратдан олдин, умра тавофининг қолган уч айланасини мукамал қилиб олади. Ундан кейин тавофи зиёрат қилади. Бу суратда ҳаж ва умра – иккиси ҳам дуруст бўлади ва унга қирон ҳажининг шукр қурбонлигидан бошқа бирор қурбонлик вожиб бўлмайди. Умра ва ҳажнинг саъйини эса кейин қилиб олади.

("Ғунятун носик").

Умра ва ҳаж орасидаги тартиб

Қирон ёки таматтуъ қилувчи умра ва ҳаж арконлари орасидаги тартибни сақлаши шартми ёки вожибми?

Умра тавофи билан Арафот вуқуфи орасида тартибнинг бўлиши, яъни қирон ёки таматтуъ қилувчи умра тавофини (ҳаммаси ёки аксар қисмини) Арафот вуқуфидан олдин адо этиши шартдир. Агар қирон ёки таматтуъ қилувчи умра тавофини мукамал тарзда ёки энг камида тўрт айланасини бажармасдан, Арафот вуқуфини амалга оширса, умраси (қирон ёки таматтуъси ҳам) ботил (бекор) бўлади. Бу суратда унга ҳаж кунларидан сўнг тарк этилган умранинг қазосини адо этиш ҳамда жарима сифатида бир жонлиқ сўйиш лозим бўлади, лекин (умра бекор бўлгани учун) қирон ёки таматтуънинг шуқр қурбонлиги лозим эмас.

Агар энг ками тўрт айланани Арафот вуқуфидан илгари қилиб олган бўлса, умраси ботил бўлмайди. Қолган уч айланани эса қурбонлик кунда (тавофи зиёратдан олдин) адо этиши лозим бўлади.

Албатта, қирон ва таматтуъ қилувчига умра саъйи ва ҳаж амаллари орасида тартиб сақлаш шарт ҳам, вожиб ҳам эмас. Балки умра саъйини Арафот вуқуфи ва тавофи зиёратдан кейин ҳам қилиш жоиздир. Лекин бундай қилиш суннатга хилофдир. Хилофи суннат ва тарки суннат сабабидан эса қурбонлик вожиб бўлмайди. Шунинг учун умранинг саъйини кечиктириш сабабли ҳеч қандай қурбонлик вожиб эмас.

Хулоса шуки, таматтуъ ва қирон қилувчининг зиммасида умра ва ҳаж тавофлари орасидаги тартибни сақлаш шартдир. Умра саъйи ва ҳаж амаллари орасидаги тартибни сақлаш эса шарт ҳам эмас, вожиб ҳам эмас, балки суннатдир. Шунинг учун бу ўринда тартибни тарк қилиш сабабли қурбонлик вожиб бўлмайди.

("Биной").

Умра тавофини охирги уч айланасини адо қилмай, тавофи зиёрат қилишни ҳукми

Таматтуъ ёки қирон қилувчи киши умра тавофининг тўрт айланасини адо қилгач, охирги уч айланани тарк этиб қолдирса, унга тавофи зиёратдан олдин мазкур уч айланани мукаммал қилиб олиш вожибдир.

Дейлик, у умра тавофининг тўрт айланасини адо этди. Қолган уч айланани эса атайлаб ёки эсдан чиқаргани сабабли тарк этиб, тавофи зиёратни бошлаб юборди ва унинг ҳамма айланасини мукаммал қилиб, охирига етказди. Бу суратда шаръий ҳукми шуки, етти айланадан учтаси умра тавофидан саналади ва бу билан умра мукаммал бўлади. Қолган тўрт айланаси эса тавофи зиёратдан саналади. Энди бу киши учун тавофи зиёратнинг қолган уч айланасини адо этиб, охирига етказиш лозим бўлади. Бу уч айланани ҳам тарк этишнинг ҳукми қандай бўлиши қуйида баён этилади.

("Ғунятун носик").

Зиёрат тавофининг қолдирилган уч айланаси қурбонлик кунларида адо қилинади

Юқоридаги масалада зиёрат тавофининг аввалги уч айланаси умра тавофидан қолиб кетган уч айлана ўрнига ўтиши, охирги тўрт айланаси эса тавофи зиёратга тегишли бўлиши айтиб ўтилди. Энди зиёрат тавофининг тўрт айланаси адо бўлиб, қолган учтаси бажарилмай қолди. Агар (тавофи зиёратнинг) қолган бу уч айланаси қурбонлик кунларида мукаммал қилинса, ҳеч қандай каффорат ва фидя лозим бўлмайди. Аксинча, қурбонлик кунлари ўтгандан сўнг адо қилинса, бу суратда ҳар бир айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериш вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").